

---

**Кўп квартирали уйларнинг атрофи яшил маконга айлантирилмоқда**  
Давлатимиз Раҳбарининг ташаббуслари билан амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўп квартирали уйларнинг атроф ҳудудини яшил маконга айлантириш мақсадида, кўчат экиш тадбирлари бошлаб юборилди.

Хусусан, Марғилон шаҳридаги кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув компаниялари алоҳида намуна кўрсатиб, умуммиллий лойиҳада кўтаринки руҳда фаол иштирок этишмоқда.

Маълумот учун: Марғилон шаҳрида 308 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, уларга 7 та бошқарув компаниялари томонидан хизмат кўрсатилмоқда.

2023-02-24 14:10:22